

## Қардош муфтийлар Самарқанд қадамжоларини зиёрат қилдилар



10:32 / 24.04.2025 1231

Шу кунларда муҳтарам Президентимиз таклифига биноан Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов амалий [ташриф](#) билан Самарқанд шаҳрида бўлиб турибди.

Икки мамлакат етакчиларига Ҳазрати Хизр мажмуаси зиёратида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари, Туркменистон муфтийси Ялкап ҳожи Ходжагулиев ҳамроҳлик қилдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари қардош халқ муфтийси Ялкап Ходжагулиевни кўҳна кентдаги диққатга сазовор жойлар, хусусан, Регистон майдони ва бу гўзал тарихий маскандаги машҳур Тиллакори мадрасаси билан яқиндан таништирдилар.

Муфтий Ялкап Ходжагулиев ажойиб зиёрат ва ҳамроҳлик учун миннатдорчилик билдириш асносида илмий-маданий мажмуаларимиз, буюк аجدодларимизнинг қолдирган меросидан ҳайратда эканини билдирдилар.